



2019 йил 20 июль

№ 286 / 5-42

Термиз шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармонининг вилоятда ижро этилишини ўрганиш натижалари ҳақида.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари С.Н.Турсуновнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунарманд ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармонининг вилоятда ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари С.Турсуновнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунарманд ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармонининг вилоятда ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилоят Марказий банк (У.Зокиров) ва Сурхондарё вилоят “Хунармандлар” уюшмаси (М.Жўраева):

- Фармоннинг 2.9-иловасига кўра яъни 2018-2019 йилларда Сурхондарё вилоятида хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли дастурига киритилган 155 нафар ташаббускор хунармандларга берилган ва берилиши режалаштирилган имтиёзли кредитлар мониторингини олиб борсин;

- манзилли дастурга киритилмаган хунармандчилик фаолиятини йўлга қўйишда асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш мақсадида банклардан кредит олиш истагини билдирган хунармандларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

3. Сурхондарё вилояти Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмаси (Б.Жумаев) бозорлар, туристик, меъморий-маданий объектлар ҳудудларида, шунингдек йирик савдо марказларида хунармандларга ўз маҳсулотларини сотиш учун барча зарурий шарт-

шароитларга эга бўлган савдо расталари ташкил этсин.

4. Сурхондарё вилоят Давлат солиқ инспекцияси (С.Эшматов) ва Сурхондарё вилоят “Хунармандлар” уюшмаси (М.Жўраева):

– давлат рўйхатидан ўтмай фаолият кўрсатиб келаётган хунармандларни аниқлаб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

– муқаддам “Хунарманд” уюшмасига аъзо қилинган якка тартибдаги тадбиркорларнинг рўйхатдан ўтган фаолият турларини мазкур Фармон билан тасдиқланган фаолият турларига мувофиқлаштириш юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ватадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари в.б. Р.Пардаев ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси Ф.Шарипов зиммаларига юклатилсин.

6. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиков